



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (80) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (80)

2025

ИЮНЬ

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.05.2025, Accepted: 10.06.2025, Published: 15.06.2025

УДК 616.

РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ КЕЧИШИГА ҲАМРОҲ ХАСТАЛИКЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Абдурашулова Ш.Б. Email: AbdurasulovaSh@mail.ru

Турсунов Х.З. Email: TursunovKh@mail.ru

Тошкент тиббиёт академияси. Ўзбекистон, 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фароби кўчаси
2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

✓ Резюме

Мақолада COVID-19 инфекцияси сабабли вафот этган 60 нафар репродуктив ёшдаги аёлларнинг клиник маълумотларига асосланган ретроспектив таҳлил натижалари тақдим этилган. Таҳлил жараёнида семизлик, гипертония, сурункали ошқозон-ичак, буйрак ва кичик таз органлари хасталиклари каби ҳамроҳ соматик касалликларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу касалликлар COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши ва ўлим ҳолатлари хавфини анча оширгани аниқланган. Шунингдек, ҳамроҳ патологиялар фақат пандемия даврида эмас, балки умумий аёллар саломатлиги учун ҳам узоқ муддатли хавф ҳисобланади. Хавф гуруҳига кирувчи аёллар саломатлигини сақлашда профилактика ва мунтазам тиббий кузатув муҳимлиги таъкидланган

Калит сўзлар: COVID-19, аёллар, репродуктив ёш, ҳамроҳ касалликлар, ўлим, семизлик, гипертония, профилактика

ВЛИЯНИЕ СОПУТСТВУЮЩИХ СОМАТИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ НА ТЕЧЕНИЕ И ИСХОД COVID-19 У ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА

Абдурашулова Ш.Б., Турсунов Х.З.

Ташкентская Медицинская Академия (ТМА) Узбекистан, 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2, тел: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

✓ Резюме

В статье представлены результаты ретроспективного анализа клинических данных 60 женщин репродуктивного возраста, умерших от COVID-19. Особое внимание уделено роли сопутствующих соматических заболеваний, таких как ожирение, гипертония, хронические заболевания желудочно-кишечного тракта, почек и органов малого таза. Установлено, что наличие фоновых заболеваний значительно увеличивает риск тяжёлого течения и летального исхода при COVID-19, особенно у молодых женщин. Отмечено, что сопутствующие патологии опасны не только в условиях пандемии, но и представляют долгосрочную угрозу общему здоровью женщин. Сделан акцент на необходимость профилактических мер и постоянного медицинского наблюдения за женщинами из группы риска

Ключевые слова: COVID-19, женщины, репродуктивный возраст, сопутствующие заболевания, смертность, ожирение, гипертония, профилактика

IMPACT OF COMORBID SOMATIC DISEASES ON THE COURSE AND OUTCOME OF COVID-19 IN WOMEN OF REPRODUCTIVE AGE

Abdurasulova Sh.B., Tursunov Kh.Z.

Tashkent Medical Academy (TMA) Uzbekistan, 100109, Tashkent, Almazar district, Farobi str.
2, tel: +99878 1507825, E-mail: info@tma.uz

✓ Resume

This article presents the results of a retrospective clinical analysis of 60 women of reproductive age who died from COVID-19. Particular attention is paid to the role of comorbid somatic diseases, including obesity, hypertension, chronic gastrointestinal, renal, and pelvic disorders. The findings indicate that the presence of such underlying conditions significantly increases the risk of severe disease progression and mortality, even among young women. It is emphasized that comorbidities are not only dangerous during the pandemic but also pose a long-term threat to women's overall health. The study underlines the importance of preventive strategies and regular medical monitoring for women in high-risk groups

Keywords: COVID-19, women, reproductive age, comorbidities, mortality, obesity, hypertension, prevention

Долзарблиги

COVID-19 пандемияси бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимлари ва жамият учун глобал муаммога айланди [2]. Ушбу инфекция касаллик оғирлиги ва унинг оқибатлари турли аҳоли гуруҳлари орасида номутаносиб тақсимланганлигини яққол намён қилди [3]. Ҳар қанча вирус турли ёшдаги ва жинсдаги инсонларга таъсир кўрсатса-да, илмий тадқиқотлар ва клиник кузатувлар муайян тоифадаги инсонлар оғир кечишдаги COVID-19 билан касалланишга анча мойил эканлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатларда беморлар кўпинча шифохонага ётқизилиши, интенсив терапия олишига тўғри келади ва афсуски, баъзи ҳолларда касаллик ўлим билан тугайди.

Ушбу хавф остидаги тоифалар орасида айниқса аёллар, хусусан бир вақтнинг ўзида бошқа соматик хасталикларга дучор бўлган аёллар алоҳида эътиборга лойиқ. Уларда инфекциянинг кечиши оғирроқ бўлиши мумкин [1, 4].

Мазкур мақолада биз репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19'нинг таъсирини кенг кўламда кўриб чиқамиз. Бу ёш гуруҳлари ўзларига хос физиологик, гормонал, ҳаёт тарзига оид хусусиятларга ва айрим ҳамроҳ хасталикларнинг тарқалиш даражасига эга. Шу сабабли уларда инфекциянинг кечиши ҳам турлича бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, мақолада аёлларда COVID-19 билан боғлиқ ҳолатда ҳамроҳ касалликларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилади. Бу каби касалликларга ошқозон-ичак тизими хасталиклари, юрак-қон томир хасталиклари, аутоиммун касалликлар, ўпканинг сурункали касалликлари, ортикча вазн ва семизлик киради. Ушбу ҳолатлар COVID-19'нинг оғир кечишига ва қатор асоратларга, жумладан, ўткир респиратор дистресс-синдром (ARDS) ривожланишига олиб келиши мумкин.

Ҳар бир ёш гуруҳда биз COVID-19'нинг ўзгача хавф омиллари ва кечиш хусусиятларини таҳлил қиламиз, шунингдек, профилактика ва ўз вақтида тиббий ёрдамга мурожаат қилиш бўйича тавсиялар берамиз. Ушбу мақоланинг мақсади – ҳамроҳ касалликларга эга бўлган аёлларда COVID-19 билан боғлиқ хавфлар ҳақида хабардорликни ошириш ва саломатликни муҳофаза қилиш ҳамда оқилона қарорлар қабул қилишга кўмаклашишдир.

Тадқиқот мақсади: ушбу тадқиқотнинг мақсади - COVID-19 инфекцияси сабабли вафот этган репродуктив ёшдаги аёллар орасида ёш гуруҳлари бўйича касалликнинг оғир кечиши ва ўлим ҳолатларининг тарқалишини таҳлил қилиш, шунингдек, ҳамроҳ соматик касалликларнинг инфекция кечишига ва натижаларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқот ретроспектив таҳлил усулида амалга оширилди. Унда 2020–2022 йиллар давомида COVID-19 инфекцияси сабабли вафот этган 60 нафар репродуктив ёшдаги аёлларнинг клиник маълумотлари ўрганилди. Барча ҳолатлар учун қуйидаги маълумотлар тўпланди ва таҳлил қилинди:

- беморларнинг ёши ва ёш гуруҳлари бўйича тақсимоти.
- COVID-19 клиник кечиши ва оғирлик даражалари,
- ҳамроҳ соматик хасталиклар (семизлик, гипертония, гастроэнтерологик ва гинекологик касалликлар ва бошқалар),
- шифохонага ётқизилиш ва интенсив терапия бўйича маълумотлар.

Тадқиқот маълумотлари дескриптив статистика асосида таҳлил қилинди. Ушбу усул ёрдамида COVID-19 билан боғлиқ ўлим ҳолатлари билан ҳамроҳ патологиялар ва ёш факторлари ўртасидаги боғлиқликлар аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот доирасида COVID-19 туфайли вафот этган 60 нафар репродуктив ёшдаги аёл таҳлил қилинди. Ёш гуруҳлари бўйича тақсимот қуйидагича бўлди:

- 14 нафар - 18–24 ёш,
- 31 нафар - 25–34 ёш,
- 13 нафар - 35–39 ёш,
- 2 нафар - 40 ёшдан юқори.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳатто нисбатан ёш ва клиник жиҳатдан соғлом деб ҳисобланган аёллар ҳам COVID-19'нинг оғир шаклидан жабр кўришлари ва вирус оқибатида ҳаётдан кўз юмишлари мумкин. Энг кўп ўлим ҳолатлари 25–34 ёш гуруҳига тўғри келгани, айнан шу даврда аёлларда репродуктив фаоллик юқори бўлиши ва турли гормонал ўзгаришлар фониди организмнинг вирусга жавоб реакцияси кучайиши мумкинлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, COVID-19 билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг аксариятида (деярли барчасида) аёлларда бир ёки бир нечта ҳамроҳ (соматик) касалликлар мавжуд бўлган. Бу ҳолат инфекциянинг оғир кечишига ва самарали иммун жавобнинг сусайишига сабаб бўлган.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқотда иштирок этган аёлларда қуйидаги ҳамроҳ хасталиклар аниқланган:

Семизлик - организмда сурункали яллиғланиш ҳолатини юзага келтириб, вирусларга қарши курашда иммунитет самарадорлигини пасайтиради. Шунингдек, семизлик нафас олиш функцияларини механик тарзда чеклайди.

Гипертония ва юрак-қон томир касалликлари - вирус юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши, тромбозлар ва шок ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Сурункали гастроэнтерологик касалликлар (эрозив гастрит, атрофик гастрит, панкреатит, холецистит) - яллиғланиш жараёнлари ва умумий метаболизмнинг бузилиши билан бирга кечади, бу эса вируснинг тарқалишини енгиллаштиради.

Синдром поликистозных яичников ва миома матки - гормонал дисбаланс ва метаболик синдром билан боғлиқ ҳолатлар, улар организмнинг умумий мувозанатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сурункали гепатит ва пиелонефрит - организмнинг детоксикация ва филтрация қобилияти пасаяди, бу эса вирусли юкламани янада кучайтиради.

Шу каби хасталиклар иммун тизими функцияларининг сусайиши, яллиғланиш ҳолатларининг кучайиши ва қатор органларнинг функционал етишмовчилигига олиб келиб, COVID-19'нинг оғир кечишига шароит яратади. Айниқса, бир нечта ҳамроҳ касалликка эга аёллар ўзига хос хавф гуруҳини ташкил этади ва уларга нисбатан алоҳида профилактика ҳамда назорат стратегиялари талаб этилади.

COVID-19 инфекциясининг оғир кечишига мойил бўлган, хусусан ҳамроҳ соматик хасталикларга эга бўлган аёллар учун самарали профилактик чоралар ҳаётини аҳамиятга эга. Бундай аёллар хавф гуруҳига киргани сабабли, уларда инфекция юқиши, асоратлар ривожланиши ва ўлим ҳолатлари эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун профилактика фақат умумий гигиена қоидаларига эмас, балки индивидуаллаштирилган ёндашувларга ҳам таяниш керак.

Асосий профилактика чоралари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш: қўлларни мунтазам совун ва сув билан ювиш, антисептиклардан фойдаланиш, юз ва кўзларга тегмаслик;

Оммавий жойларда ниқоб тақиш: вирус ҳаво орқали юқиши мумкинлиги сабабли, ниқоб тақиш нафақат ўзини, балки атрофидагиларни ҳам ҳимоя қилади;

Ижтимоий масофани сақлаш: жамоат жойларида 1,5–2 метр масофани сақлаш юқиш хавфини камайтиради;

Тўлиқ эмланиш ва бустер дозаларни қабул қилиш: вакцинация оғир кечиш, шифохонага ётқизиши ва ўлим ҳолатларини кескин камайтиради. Айниқса, ҳамроҳ касалликлари бўлган аёллар учун бу биринчи даражали профилактика воситасидир.

Ортиқча вазн ва қон босимини назорат қилиш: метаболик хавф омиллари минимал даражада ушланса, COVID-19'нинг оғир асоратларининг олди олиниши мумкин.

Иммун тизимини қўллаб-қувватлаш: тўғри овқатланиш, витаминлар қабул қилиш (айниқса D ва С витаминлари), етарли уйқу ва стрессни камайтириш - иммунитет учун муҳим омиллардир.

Хушёрлик ва эрта муружаат қилиш: ҳар қандай оғирлашув белгиларида (нафас қисиши, юқори ҳарорат, қувватсизлик) зудлик билан тиббий ёрдам сўраш зарур.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқот натижалари шундан далолат бердики, COVID-19 инфекцияси репродуктив ёшдаги аёллар учун ҳам катта хавф туғдирган. Таҳлил қилинган ҳолатлар асосида энг кўп ўлим ҳолатлари 25–34 ёшли аёллар ўртасида кузатилгани вируснинг оғир кечиши ёш билан боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга, ҳамроҳ соматик касалликлар мавжудлиги инфекция оқибатидаги асоратлар ва ўлим ҳолатларини сезиларли даражада кучайтирган.

Семизлик, гипертония, сурункали гастроэнтерологик, гинекологик ва нефрологик хасталиклар COVID-19 инфекциясининг клиник манзарасини оғирлаштирган, организмнинг иммун жавобини сусайтирган ва мураккаб оқибатларга олиб келган. Ушбу ҳолатлар COVID-19 билан боғлиқ хавфни оширгани билан бирга, умумий саломатлик учун ҳам доимий таҳдид ҳисобланади. Улар нафақат юқумли касалликлар даврида, балки тинч даврда ҳам аёллар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиб келган.

Шу боис, хавф гуруҳига кирувчи аёлларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида нафақат пандемия пайтида, балки доимий равишда ҳамроҳ хасталикларни аниқлаш, назорат қилиш ва профилактикасига катта эътибор қаратиш зарур бўлган. Бундай ёндашув орқали нафақат инфекцион касалликлар, балки умумий касалланиш ва асоратларнинг олдини олиш мумкин бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Логинова И. А. и др. Особенности гемостаза у пациентов с новой коронавирусной инфекцией, вызванной SARS-CoV-2. – 2022.
2. Михель Д. В., Михель И. В. Пандемия COVID-19 как глобальный кризис: взгляд азиатских экспертов //Россия и современный мир. – 2022. – №. 2 (115). – С. 67-84.
3. Никуличев Ю. В. «Социально-экономические аспекты глобализации» Центр научно-информационных исследований глобальных и региональных проблем Отдел проблем европейской безопасности.
4. Щербак С. Г. и др. Факторы риска тяжелого течения и летального исхода COVID-19 //Физическая и реабилитационная медицина, медицинская реабилитация. – 2022. – Т. 4. – №. 1. – С. 14-36.

Қабул қилинган сана 20.05.2025